

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

21-ЙИЛ
ЧИКИШИ.

№ 245 (5338).

17
ДЕКАБРЬ
СЕШАНБА

1974 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

КЕЛГУСИ ЙИЛ ҲИСОВИГА

Ангрендаги қатор саноат корхоналари тўққизинчи беш йиллик тошмиқларини муқаддас қилиб бажариш учун бораётган умумхалқ курашида фаол иштирок этиб, меҳнат зафарларини кўчмоқдалар. Давлат планлари ва зиммат олигини социалистик мажбуриятлар адо этилмоқда.

Ишлаб чиқариш жараёналарини тинимай механизациялаш, мавжуд асбоб-ускуналарни унумли фойдаланиш, ишчи-

хизматчилар ўртасида социалистик мусобақани ави олдириш муваффақиятлар олини бўлмоқда. Яқинда шаҳардаги 10-ғишт заводлари бошқармаси тўрт йиллик маҳсулот реализация қилиш планини бажаришга ҳақида рапорт берган эди. Қуни кеча Облик нуруда материаллар карьеры ишчилари ҳам тўрт довер ошди.

«Ўзбекшахтострой» трестининг шаҳар қурилиш бошқармаси бинакорлари шаҳардаги

қурилиш ташкилотлари ўртасида бораётган социалистик мусобақани доим пешқадамлик қилишмоқда. Улар беш пудрат ва ўз қулиш бўйича тўрт йиллик қурилиш-монтаж ишлари планини бажаришди. Қурувчилар қўлга киритилган бутун қуни янада мустаҳкамлаш мақсадида йил охиригача яна камиди 1 миллион 100 минг сўмлик ҳажмдаги ишларни бажаришга аҳд қилдилар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1974 йил 16 декабрда КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми бўлди.

Пленум «СССР халқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг 1975 йилги Давлат плани тўғрисида» СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госплани раиси ўртоқ Н. К. Байбаковнинг «СССРнинг 1975 йилги давлат бюджети тўғрисида» СССР молия министри ўртоқ В. Ф. Гарбузовнинг докладларини тинглади.

Шу масалалар юзасидан музокарада Украин

на Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. В. Шербицкий, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. А. Кунаев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Г. Кэбин, КПСС Ленинград шаҳар комитетининг биринчи секретари Б. И. Аристов, Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ж. Расулов, Москва шаҳридаги биринчи давлат подшпирик заводи сле-

сарлар бригадари А. В. Виктор, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. А. Шеварднадзе, СССР химия саноати министри Л. А. Костанов, КПСС Приморье ўлка комитетининг биринчи секретари В. П. Ломакин, КПСС Свердловск область комитетининг биринчи секретари Я. П. Рябов, Қозон электрон-ҳисоблаш машиналари заводининг монтажчиси Г. П. Лодманова, СССР гўшт ва сут саноати министри С. Ф. Антонов ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Пленум охирида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев катта нўқ сўзлади.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми шу масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Ўртоқ П. Н. Демичев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Пленум уни КПСС Марказий Комитетининг секретари вазифасидан озод қилди.

Шу билан КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини тамомлади.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ СССР ХАЛҚ ҲЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1975 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ВА СССРНИНГ 1975 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ЛОЙИҲАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

СССР халқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг 1975 йилги Давлат плани ва СССРнинг 1975 йилги Давлат бюджети лойиҳалари асосан маъқуллансин.

Иттифодш республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка, область, шаҳар ва район партия комитетлари, министрликлар ва идораларга, барча партия, совет, ҳўжалик ва касба-сўз ташкилотлари КПСС Марказий Комитетининг қарорларига ва ўртоқ Л. И. Бреж-

невнинг партия иқтисодий сиёсати масалалари юзасидан сўзлаган нўқларига амал қилиб, СССР халқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг 1975 йилги Давлат планини ва умуман тўққизинчи беш йиллик тошмиқларини бажариш юзасидан конкрет тадбирларни ишлаб чиқсинлар ва амалга оширсинлар. Корхоналар, ташкилотлар, қурилишлар, колхоз ва совхозлар коллективларининг куч-қайрати ишлаб чиқариш самарадорлигини бутун чоралар

билан оширишга, техника тараққиётини жадаллаштиришга, меҳнат унумдорлигини ўстиришга, янги ишлаб чиқариш қувватларини тезроқ ишга туширишга ва мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан яхшироқ фойдаланишга, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг қўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш учун барча резервларни ишга солишга, айна вақтда моддий ва меҳнат сарфларини камайтиришга қаратилсин.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми партия, совет, касба-сўз ва комсомол ташкилотлари, мамлакатнинг барча меҳнаткашлари беш йилликнинг тўғалловчи йили тошмиқларини муқаддас қилиб кетаётганда ишларни унумли равишда бажаришга, уларни социалистик мусобақани кенг авж олдирадиган, Ватанимиз куч-қудратини янада мустаҳкамлаш, совет халқи фаровонлигини тинимай ошириш соҳасида янгидан-янги муваффақиятларга эришадиган деб ишонч билдиради.

КОМСОМОЛ ХОДИМЛАРИНИНГ СЕМИНАРИ

Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон ва Қирғизистон комсомол хўжалиқларининг комсомол хўжалиқларини алмаштиришга бағишланган зона семинари 14 декабрь кўни Тошкентда ўз ишини тавомлади.

ВЛКСМ — Марказий Комитети Бюросининг аъзоси, Ўзбекистон ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Р. Гарбузов, Туркменистон ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Дурдыев, Қирғизистон ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари А. А. Ризиев, Тожикистон ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Б. Мешчанов ва бошқалар ўз сўзларида комсомол учун муҳим бўлган ана шу тадбирни ўтказишга тайёргарлик ишлари қандай олиб борилаётганлиги тўғрисида гапириб бердилар.

Семинар катнашчилари Тошкент областадаги бир қанча бошланғич комсомол ташкилотларида бўлиб, комсомол хўжалиқларини алмаштиришга тайёргарлик ишлари билан танишдилар.

(ЎзТАГ).

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Ўзбекистон ССР сув ҳўжалиги қурилиш беш бошқармаси ташкилотларининг коллективлари пудрат ишлари йиллик планини муддатидан қаринб тўрт ҳафта олдин бажарганликлари тўғрисида рапорт бердилар. «Андижангидрострой», «Андижанводстрой», «Кашкарводстрой», «Наманганводстрой», «Ташкентводстрой» бу муваффақиятга катта ҳисса қўйдилар.

Йил охиригача тошмиқдан ташқари 16 миллион сўмлик пудрат қурилиш-монтаж ишларини бажариш мўлжаллаб қўйилди.

(ЎзТАГ).

ТОШКЕНТ-
ИВАНОВО

МЕХНАТ МУСОБАҚАСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ХАЛҚ ҲЎЖАЛИК АЙРИМ ТАРМОҚЛАРИНИНГ 1974 ЙИЛ

ЯНВАРЬ—НОВАБРЬ ОЙЛАРИДАГИ ИШ ЯКУНЛАРИ

САНОАТ	Тошкент	Иваново	Тошкент	Иваново
Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши — процент ҳисобида	109,5	103,3	24,7	37,4
Реализация планининг бажарилиш проценти	103,3	101,3	119,5	107
Пландагидан ташқари реализация қилинган маҳсулот — миллион сўмлик	118,2	65,1	99,4	265,1
Реализация планини бажармаган корхоналар сон	18	46	111,9	107
Корхоналар умумий сонига нисбатан проценти	4,8	13,1	150,6	188,2
Саноат-ишлаб чиқариш хўжалиги сонининг ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан ўзгариши — процент ҳисобида	103,4	99,4	117,7	112
Меҳнат унумдорлигини ошириш планининг бажарилиш проценти	102,3	101,1	2540	2077
Меҳнат унумдорлигини ошириш — процент ҳисобида	105,9	103,9	109,0	97
Меҳнат унумдорлигини ошириш планини бажармаган корхоналар сон	42	86	159	233
Корхоналар умумий сонига нисбатан процент ҳисобида	11,1	27,0	101,3	104
Барча турдаги калаваларини ишлаб чиқариш — тонна	14036	295999		
Шу жумладан пландагидан ташқари тайёрлангани — тонна	26	558		
Калава ишлаб чиқариш планининг бажарилиш проценти	100,2	100,2		
Барча турдаги тайёр газламаларини ишлаб чиқариш — минг погонметр	174597	2137506		
Шу жумладан пландан ташқари тайёрлангани	—298	—15525		
Газламалар ишлаб чиқариш планининг бажарилиш проценти	99,8	99,3		
КИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИ				
Асосий чорвачилик маҳсулотлари харид қилиш йиллик планининг, барча категорияда хўжалиқларда пландан ташқари харид қилинган маҳсулотлар билан қўшиб ҳисоблаганда, бажарилиш проценти:				
Корамол ва парранда	113,7	96		
Сут	113,4	102		
Тухум	95,1	95		
Колхоз ва совхозларда 1974 йилнинг ўйиб ойда чорвачилик маҳсулотлари еттиштириш ва қорамолларнинг маҳсулдорлиги:				
Давлат ва кооператив савдоси товар обороти планининг бажарилиш проценти, умумий оқатланиш ҳам шу ҳисобга кириди — жами	100,6	98		
Чакана тармоқ товар обороти	100,5	97		
Умумий оқатланиш товар обороти	101,2	99,1		
КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ				
(Давлат капитал маблағлари ҳисобига амалга оширилгани)				
Капитал маблағ сарфлаш планининг бажарилиш проценти	92	88		
Қурилиш-монтаж ишлари	95	91		
Уй-жой қурилишига капитал маблағ сарфлаш	104	109		
САВДО				
Давлат ва кооператив савдоси товар обороти планининг бажарилиш проценти, умумий оқатланиш ҳам шу ҳисобга кириди — жами	100,6	98		
Чакана тармоқ товар обороти	100,5	97		
Умумий оқатланиш товар обороти	101,2	99,1		
АҲОЛИГА МАНИШНИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ				
Маниш хизмат кўрсатиш ҳажмининг бажарилиш проценти—жамин	102,1	101		
Шаҳарларда	102,6	100,7		
Қишлоқларда	102,7	105		

ОҚ ЧАШМА СОҲИБАСИ

Муҳаббат арта тонг фермага отланаётганда уни сингилсин тўхтади. У хайрон бўлди: сингилсин Озода ошан қўнча ишга кетаётганда ширин уйқуда бўларди. Бирор муҳим гапни бормикин?

— Ой, мана ўрта мактабни тугатиб, қўлимга етуклик гувоҳнома ҳам олдим, — деди Озода. — Сиз билан бирга фермага ишласам...

— Бирор ўқув юртига кириб ўқисанг бўлармикини?

— Ишлаб туриб ҳам ўқиб мумкин-ку, — оёқ тираб туриб олди сингилсин.

Бу воқеа шу йил ёзда бўлган эди. Ҳозир Озода Султонова қўнчага ҳар бир сипирдан 8—9 литр сут соғиб олмоқда. Фермага фақат Озода эмас, Фермага Зухра Назарова, Холматов, Юмакулова, Халима Холматова ва қанча дўғоналари ҳам ишга келишди. Муҳаббатларга сут соғувчилик касбининг сипас-роқларини қўл билан ўратиб, Ешлар ҳам унинг ишончини оқлаб, ҳозир яхшигина ютуқларини қўлга киритишмоқда.

Муҳаббат Ўзбекистон комсомолнинг XX съездида делегат бўлиб қатнашганда, чорвачиликка ешларни кўпроқ жалб қилиш зарурлиги ҳақида қўп гаплар эшитди. Съезддан олам-олам таассурот билан қайтиб, касбдошларига съездда эшитилганларини батафсил сўзлаб берди. Ешларни фермага тортиш ҳақида тадбирлар режасини тўзди.

Муҳаббат белгиланган йилда ўз қарамоғидаги 20 боғи сипирдан ҳар бирдан 3200 килограммдан сут соғиб олди. Қарор қилган эди. Ҳозиргача 64 минг килограмм сут соғиб олди. Йиллик мажбуриятини бажарди.

Муҳаббат меҳнат қилаётган Оҳангарон районидаги 1-Оҳан-

гарон совхозининг 2-бўлими сут-товар фермаси коллективни белгиланган йилда 600 тонна сут — соғиб олди мажбуриятини қабул қилди. Шу қўнчага фермага 230 соғин сипирдан 530 тонна сут соғиб олди.

М. Султонова коммунист, мураббий сифатидагина эмас, балки депутат сифатида ҳам фаолият кўрсатишда. Ўтган йили қишлоқ меҳнаткашлари зўр ишонч кўрсатиб, уни Тошкент область Совети депутатлигига сайлашди. У сайловчилар нақзалларини ўз вақтида сингилдан бажаришга интиломоқда.

1-Оҳангарон совхозининг коллектив бу йил Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетини, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг кўнча Қўнча байроғи билан тақдирланди. Буна О. Назаров мураббий қилаётган сут-товар фермасининг ҳам улushi бор. Бу фермада меҳнат қилиб, тобланган Муҳаббат қўнчага ҳар бир сипирдан 10—12 литрдан сут соғиб олмоқда. Нишонгўл ўтбосона, Жилва Жаҳоналиева ҳам ундан орда қўлишяпти.

Биз яқинда шу фермада бўлиб, Сут соғувчилар билан учрашиб, уларнинг ютуқлари, режалари билан танишдик. Ўлар билан хайрлашиб қайтаётганимизда ферма дарвозасини ёнда ялғор сут соғувчилар шарафига кўтариладиган байроқларни кўрдик. Бу ерда биринчи бўлиб коммунист депутати М. Султоновнинг фамилиясини ёнганлиги. Фамилиясини қаршисида эса 220 килограмм рақамни турдиди. Бу унинг бир қўнлик иш натижаси эди.

О. ХУШНАЗАРОВ,
Оҳангарон райони.

МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОЯ КОМИТЕТИНИНГ ҚАРОРИ

МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ VIII СЕССИЯСИНИ ҲАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Область ижроия комитети қарор қилди:

XIV чақириқ меҳнаткашлар депутатлари область Советининг VIII сессияси 1974 йил 27 декабрда Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар киритилсин:

а) Тошкент области халқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг 1975 йилги алаи тўғрисида;
б) Тошкент областининг 1975 йилги маҳаллий бюджетни ва 1973 йилги маҳаллий бюджетининг бажарилиш тўғрисида;
в) меҳнаткашлар депутатлари область Совети ижроия комитетининг 1974 йилги иши тўғрисида ҳисобот.

Тошкент область Совети ижроия комитетининг раиси

Тошкент область Совети ижроия комитетининг секретари

А. НАЗАРОВ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

14 декабрь кўни Кремлда Н. В. Подгорний раислигида СССР Олий Совети Президиумининг мажлиси бўлди.

Президиум тўққизинчи чақириқ СССР Олий Совети иккинчи сессияси кун тартибини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган масалаларни муҳокама этиб, тегишли қарор қабул қилди. Иттифок Советининг раиси А. П. Шитков билан Миллатлар Советининг раиси В. П. Рубенин сессия ва палаталар оқсоқоллар кенгаши мажлиси иш тартиб тўғрисидаги таклифлари ҳам кўриб чикилди.

СССР Олий Советининг Президиуми Иттифок Совети план-бюджет комиссиясининг раиси Г. И. Ващенко билан Миллатлар Совети план-бюджет комиссиясининг раиси Н. И. Масленниковнинг палаталар доимий комиссияларида ҳукумат томонидан СССР Олий Советига такдим этилган СССРнинг 1975 йилга мўлжалланган халқ ҳўжалиги ва бюджетини, шунингдек 1973 йилги бюджетнинг ажроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чикиб натижалари тўғрисидаги ахборотларини тинглади.

Президиум ўз қароридида шунини таъкидладики, план-бюджет ва тармоқ комиссиялари ешлар ишлари бўйича комиссиялар ишларида СССР халқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг 1975 йилги давлат планини, СССР давлат бюджетини дастлабки тартибда кўриб чикилиш тугаллаб, улар юзасидан СССР Олий Совети Иттифок Совети ва Миллатлар Советига такдим этиш учун ҳулосалар тайёрладилар. Комиссиялар доимий комиссияларнинг 1974 йилги план ва бюджет юзасидан

чиқарилган ҳулосаларида баён этилган тавсиялари қандай бажарилаётганлиги тўғрисида СССРнинг тегишли министрликлари ва идоралари раҳбарларининг ахборотларини тинглаганликлари Президиум маълумотга олди.

Шу мажлисда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти XXVII сессиясининг қарорига мувофиқ СССР-да халқро хотин-қизлар йилини ўтказадиган комиссиянинг состави тўғрисидаги таклифлар кўриб чикилди. Комиссия раиси К. Т. Мазуровнинг таклифига мувофиқ

Президиум комиссияни 72 кишидан иборат составда тасдиқлади. Комиссия аъзолари орасида барча иттифодш республикаларнинг вакиллари, СССР министрликлари ва идораларининг жамоат ташкилотларининг раҳбарлари бор мамлакатимизда халқро хотин-қизлар йилига алоқадор бўлган ҳамма тадбирларни ўтказишнинг таъминлаш уларнинг зиммасига юклатилган.

Президиум мамлакат давлат ҳаётининг бошқа масалаларини ҳам кўриб чикди.

(ТАСС).

...га эришди ва Мехнат й...



С. Махкамов фотоси.

МЕДИЦИНА ВА ҲАЁТ СИГАРЕТАГА ҚАРШИ ТАБЛЕТКА

Бир грамм соф никотин оти ҳам бемағлол ҳалок қилиши аз элдан ҳаммага маълум. Медицина фани чекишниги инсон организмга ҳалокатли таъсири ҳақида жуда кўп аниқ маълумотларга эга. Рак, юрак, ўпка касалликлари ва бошқа қатор касалликлар кўп тамаки чекиш тўғрисида келиб чиқиб ҳам аниқланган. Булар ҳаммага маълум. Аммо атрофдаги ҳаётда бир қаранг: ишда, уйда, кўчада минглаб кишилар сигарета, папирос чекаётганини кўрасиз.

Медиклар чекишга қарши кўрашнинг хилма-хил усулларини, масалан, гипноз, айрим препаратларни қўллашни тавсия этишди. Аммо камдан-кам ашаддий кўлашда шулар таъсирида чекишдан ҳалос бўлади. Бироқ яқинда мунтазам равишда тамаки чекишга қарши ҳаёт самарали бир восита топилди. Бу ҳақида сўзлаб беришни «Труда» газетасининг мухбири Г. Крюк Узебекистон Фанлар академияси биорганик химия бўлими раҳбарининг ўринбосари профессор Ҳасим Асламович Асламовдан илтимос қилди.

— Бу препаратни биз кутимизда учратиш қўлай, — дейди у. — Академик О. С. Содиков бошқарувдан бўлиб тамакига бошқа бир масала устида ишларди. Чимкент химия-фармацевтика заводи биздан анабазин сульфат ишлаб чиқариш технологиясини тақомиллаштиришда ёрдам беришмизни сўраган эди. Одатда унинг кўп қўламли зарарли далайига қарши курашда ишлатилди. Бу препарат ботаникадан берган маълумотга кўра, ўрта Осиёда запаси жуда кўп бўлган баргези еткенликдан олинди.

Қорғош буюртмасини бажардик. Тўғри, бунинг учун жуда кўп ишларга тўғри келди, аммо самараси яхши бўлди. Келаси йилдан бошлаб чимкентликлар анабазин сульфатини янги технология бўйича ишлаб чиқара бошладилар. Бу эса уларга йилга ярим миллион сўм иқтисод қилиш имконини беради.

Энди препаратнинг ўзи ҳақида бир-ички оғиз сўз. Биз юқорида таъкид қилган ҳом ашё тўқизта алкополидан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири аёйиб ҳусусиятларга эгадир. Янгики, анабазин алкополиди биз учун кутимизда тўғри бўлади. Биз унинг илдизини янгиликларга тегиштириб, чимкент фармакологик жихатдан каттик ўргандик. Ишонинг бошдаёқ унинг аёйиб далолатчи ҳусусияти борлиги тахмин қилинарди. Биз янгиликларга эгадик.

Ҳайвонларда қилинган тажрибалар, лабораторияда ўтказилган пухта таҳқиқотлар, ўйлаб-тестлаб анабазиннинг у ёки бу ҳусусиятларини бизга маълум қилиб, шундай бир жиддий ҳусусиятга келиш имконини беради. Яъни анабазин алкополиди нафас олишнинг кучайтирувчи жуда яхши восита бўлиб чиқди. Уни жуда кўп соҳаларда қўллаш мумкинлиги аён бўлаётти. Хроник нафас олиш пероклари ҳамда янги туғилган чақоқларда нафас олишнинг етчимаслиги тўғрисида содир бўладиган асфиксия касалликлари доволашда, нафас тўхтаб қолиши билан боғлиқ бўлган хилма-хил бахтсиз ҳодисалар бўй берида ундан фойдаланиш мумкин экан. Бундан ташқари,

ТОШКЕНТ.
«Труда» газетасидан.

УЗБЕКИСТОН телевидениесининг марказий аппаратхонаси коллективи Москва, Олмаоту, Фрунзе, Душанбе студиялари кўрсатувларини сифатли намоиш этишга жиддий эътибор беради. Суратда: марказий аппаратхонанинг катта техникни М. Исҳоқов ва катта режиссёр Н. Собиржоновлар навбатдаги программани кўрсатувга тайёрламоқдалар.

С. Махкамов фотоси.

ХАР ТЎҒРИДА

БАТАРЕЯЛИ ПОИАФЗАЛ

Венгрияда ташқи кўришмиш жихатдан одатдагй поафазаллардан фарқ қилмайдиган янги хил тўғрилар ишлаб чиқарилаётган. Бирок уларнинг ички тўғришмиш ўзгача. Янги хилдаги тўғри шисити системасига эга. Ишхис элементлари таг чарм орасига ва пошнаге ўрнатилган митти аккумулятор-батареялардан энергия олиб туради. Бундай поафазалар оқибатда соғуқ шароитда ишловчи мутахассислар учун мўлжалланган.

ПЛАСТМАССАДАН — ИЗОЛЯТОР

Венгриялик олимлар юқори кўчмалиш электр линияларида ишлатиладиган чини изоляторлар ўрниин боса олувчи пластмасса-изоляторларни ишлаб чиқаришга муваффақ бўлишди. Улар чиниларга қараганда ўтказма қарам, ун баробар енгил ва мустахкам.

Янги кўчлар ичкида бу хилдаги изоляторлар кенг микёсда ишлаб чиқарила бошлайди.

ТОВУШ ҲАҚИДА

Швейцариялик инженер-қурувчилар товуш ўтказмайдиган янги темир-бетон конструкциясини яхшироқ қилишди. Уларни ишлаб чиқариш соҳада бўлиш билан бирга нархи қиммат эмас. Девоорлар нисбати фанердан иборат бўлиб, орасига бир миллиметр қалинликда пластмасса эритмаси сўртлади. Бу хилдаги девоорларни курилшларда биринчи бўлиб ГФ қурувчилари синий бошлашди.

ХБОРОТ спорт

ДУРАНГ ВА МАҒЛУБИЯТ

Тошкентнинг «Бинокор» командаси хоккейчилари мамлакат чемпионатининг навбатдаги ўйналарини Тюмень шаҳрида «Рубин» командаси билан ўтказдилар. Ҳамшаҳарларимиз биринчи ўрашувни 2:2 ҳисобида тасвирлади. Иккинчи матчида эса томенлик хоккейчиларнинг қўли баланд келиб 2:1 ҳисобида ғолиб келдилар.

9 ТУРДАН СЎНГ

Аёллар ўртасидаги халқаро шахмат мусобақаларида тўққиз тур ўйнади. Тошкентлик спорт мастери А. Мкртчян олмаота-

фойдаланмаган, қўлларининг эңчиллигини, айнақлигини тўғридан келадиган зарбалар олдига афзаллигини ёркин намоиш этиш учун шундай қилган. У шу вақтгача енгилмаган кучдан ва ўз-ўзининг ёшидан голиб чиқиш билан қаноатланибгина қолмай — галаба қилганда ҳам ҳаммани хайратга соладиган тарзда галаба қилди!

У — феномен боксчи, лекин фақатгина боксчи феномен эмас. Уни яхши биладиган одамларнинг таъкидлашча, бир қиёфадаги ички хил Муҳаммад Али бор. Бир томондан бу низоҳатда кеккайган, ўзининг ҳаддан ташқари мақтаниши билан ҳамманинг асабига тегиб лаззатланидиган одам. «Мен энг чиройли, мен энг буюк, мен энг яхши эркакман! Мен рингга кириб келар эканман, бутун гайритабиий кучимни сарфлайман. Менинг ёшимда рақибим сарф қача ҳам эмас!» У азалдан ўзига шундай оғиқ баҳо беради. Опоқ кийиниб, сунъий зурад ва лаъ билан безатилган бугдой ранг бош кийими кийиб, «Хамма» рингидан энг буюк» сўзлари тўқиб ёзилган ялтироқ халатга ўралиб юриб, юқоридаги сўзларни тасвирлашдан чарчамайди.

Иккинчи томондан, Алини билган кишиларнинг, бунга ўхшаш томошалардан ташқарида уни кўриб юрадиганларнинг айтишича, Али жиддий ва ҳушёр, ёқили, аёли, сизга ҳақ ҳам бўла олади. У ўзининг ичкини хотини Белинданинг обрўли эри, тўрт болаининг олижаноб отаси. Нью-Жерси штатидаги у ашадийлик ичкинагина шаҳарининг аҳолиси у ҳақда: «Али ҳамма қўлишларга ўхшаган, тинч, беэроз одам» дейди.

Буюк чемпион шахсида бу ички хиллигини асосий масалани — унинг бутун ҳаётини шакллантирган икитимий ва психологик факторини ҳисобга олмай тушуниб олиш мумкин эмас: болалигиндан ўнгил кўзи ўнгича прамаст тегишлик ота-боболарининг неча-неча аълоининг аълолиниши манзараси турари.

У ўтти яқин йил муқаддам Луисвилда (Кентукки штати) туғилди ва унинг оласига хўжайини Луисвилдаги қўлини қўйиб беришди. Отаси (унинг ҳам Кассиус Марселлус Клей деб аташадиган) вивас калар чизмига низоҳатланиш бўлиб, Муҳаммад Алининг сўзларига

қараганда бадқовоқ одам «онла зугумдори» эди. Отаси ўзини «ҳаётда омади келмаган одам» деб ҳисобларди ва бунинг сабаби таласининг рангидан эканлигини биларди. «Бизда қора танли бўлганлигимиз учун гурур ҳиссини тарбиялаган, биз оқлар фақат оқ танлилар учун яратилган жамиятда аяшаётганимизни тушуниб етишимиз керак...» дедан.

Али мактабга бора олмади ва бунинг учун ҳаммаша афсусланиб юрди. Ҳамма жирканиб қарайдиган қора танли оиладан чиққан ҳаёлпараст бола олдига ҳаётда фақат биргина сўқмоқ йўл — бокс муваффақиятга олиб келиши мумкин эди. «Мен гўдаклигимдаёқ Жо Луисга «ўхшардим...» Унинг кичик дўстлари тамаки ва ичкиликка қизиқиб юрган бир пайтда ўзини зўр бериб боксчиликка тайёрлади: машқ қилди, автобуслар орасидан югудди, гимнастика залига қатнади. Ўн ўн ёшида у илк бор чарм қўлоқини кийди, ички йил ўтгача эса рингга чиқди. Ўн олти ёшга қадам қўйганда Америка ҳаваскорлар боксининг энг катта саврини — Олтин «Олимпиада» кўлга киритди. Римга, Олимпиадага жўнаш олдидан қўлинича номаълум бўлган бу ўсириш машҳур тренер Акиел Дандига телефон қилди: «Янабо Данди, Олимпиадани қайтган, сизнинг қўли, нигизда машқ қилмоқчиман ва жаҳон чемпиони бўлоқчиман» дейди. Ўн саккиз ёшида у Олимпиада олтин медалини кўлга киритди. 22 ёшида ҳақиқатан ҳам жаҳон чемпиони бўлади, чемпион бўлгандан ҳам дунё анча вақтдан буюн кўрмаган чемпион бўлади.

Шундан кейин — Муҳаммад Али ҳаётдаги энг узоқ — ўн ил давом этган энг оғир матчи бошлади. Бу матчи давомида ошқора ва яширин шаҳарларнинг жуда кўпидан иборат бўлган рақиб унга хилма-хил ман этилган зарбалар берди. У бирталаф адвокатларни ёллади. Бу адвокатлар қонуннинг параграфларини ишга солиб, унинг турмага ташлашининг лаолақ суд инстанцияларининг сўнгги қарорларини чиқуруча кейинга суришга уриндилар. АҚШ Олий судига аризада, жумладан, шу нарсаси кўрсатилган эди. Клейнинг суднинг ишчи тўқимага тўғри келмади, негаки, уни оласининг қорини тўғридан икитимий ва ҳуқуқдан маҳрум этди...

Бу орада шон-шухратдан, пуллардан, спортдан, изатдан, ишдан маҳрум бўлган Клей Бродвейда актер бўлишга уриниб кўрди, студентларнинг университет кемпингларидан урушга қарши кутлар сўзлади, автобуснинг правдаси ҳақини, Клейнинг суднинг ишчи тўқимага тўғри келмади, негаки, уни оласининг қорини тўғридан икитимий ва ҳуқуқдан маҳрум этди...

Низоҳат 1970 йил сентябрида АҚШ Олий суди адвокатларнинг протестини ишбатога олди ва оқиборда Муҳаммад Али ўз кучини ҳамда ҳаётининг ишбатолиш учун яна рингга қайтди.

ЧИРЧИК ЯНГИЛИКЛАРИ

ЭЛ МЕҲРИ
Яқинда шаҳардаги 19-ўрта мактабга республикамизнинг кўзга кўринган партия ва давлат арбоби, содиқ ленинчи Ак-мал Икромов номи берилади. 4-микрорайондаги кўчалардан бири эса бундан буюн Файзулла Хўжаев номи билан юритилади. Меҳнатқиллар депутатлари шаҳар Совети эл меҳрини ғиёда этиб, ана шунга қарор қилди.

МАЛАКА ОШИРМОҚДАЛАР

Мактабгача ёшдаги болалар муассасалари ходимлари учун «Узбекистон» заводи маданият саройида очилган лекторий мунтазам ишлаб турипти. Лекторий иш бошлагандан бери бу ерда 20 дан зиёд лекция ўқилди. «КПСС XXIV съезди қарорларини ҳаётга татбиқ

этайлиқ». «Совет Ўзбекистони — Шарқ машъали». «Совет-Америка муносабатлари янги босқичда» каби темаларда ўқилган лекциялар тингловчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Шаҳар кечки марксизм-ленинизм университетда эса журналистика факультети иш бошлади. Факультетда шаҳардаги туртта қўи нусхали ва шаҳар газетаси ходимлари, шу

Реклама ВА Эълонлар

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА
30 ДЕКАБРДА
ЭЪЛ ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚЛАР ЗАЕМИНИНГ
78-ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ УТҚАЗИЛАДИ

ТИРАЖДА — ЗАЕМИНИНГ БИР РАЗРИДИДА 512560 СЎМЛИК 9 МИНГ 400 ТА ЮТУҚ ЭЪНАЛАДИ.
ЖУМЛАДАН: 5000, 2500, 1000, 500 ва 40 сўмлик ютуқлар бор.
3% ЛИ ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚЛАР ЗАЕМИ ОБЛИГАЦИЯЛАРИ ОМОНАТ КАССАЛАРИДА СОТИЛАДИ ВА СОТИБ ОЛИНАДИ.
3% ЛИ ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚЛАР ЗАЕМИНИНГ ОБЛИГАЦИЯЛАРИНИ СОТИБ ОЛИНГ!

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.00 — МОСКВА, 19.05 — ТОШКЕНТ, 19.15 — Футбол — сехри суз, 19.35 — «Ахборот», 19.50 — Халқ нолрози экрани, 20.20 — Ён минут музика, 20.30 — «Ахборот» 20.50 — Қишлоқ хўжайини билимлари телевидион халқ университети, 21.20 — Фильм-концерт, 22.00 — «Вақт», 22.30 — Кино оламиди, ИККИНЧИ ПРОГРАММА, 11.00 — ТОШКЕНТ, Кўргирок фильм, 11.25 — Сехри тўн (балиқ фильм), 19.05 — МОСКВА, 19.15 — Ўқувчолар (балиқ фильм), 22.00 — Хўжайини кино экрани, (Тошкент), 22.30 — Музикали кўрсатув, 23.50 — Спорт қўндалини, УЧИНЧИ ПРОГРАММА, 19.00 — ТОШКЕНТ, Ўқув кўрсатув, 19.55 — Тошкент янгиликлари, 20.10 — Ўқувчолар экрани, 20.50 — Кинохаваскорлар экрани.

КИНО

Париндаги ўғирлик — «ЧАП-КЛ», «КОЗОНСТВО», «МОСКВА», «ДРУЖБА» (неуду ва кечқурун).
Макенининг олтилари — САЙҲАТ САРОВИ (неуду ва кечқурун).
Есени — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК» (неуду ва кечқурун).
Сотқин — «НУКУС» (неуду ва кечқурун).
Амелина — фаршталар маляиса — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (неуду ва кечқурун).
Бероналар бизнинг деса, бизинлар бегона дейди — «ДРУЖБА» (неуду ва кечқурун).